



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 138 (13.471)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ Тўғрисида

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, соҳадаги вазият ва амалга оширилган тадбирлар таҳлили ёшларнинг кенг қатламларига дахлдор бўлган долзарб масалалар, айниқса, уюшмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмаганидан далолат бермоқда.

Жойларда, авваломбор чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқаришлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун кенг шароитлар яратиш, уларни турли зарарли иллат ва ёт фоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этишда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистон ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган оммавий ҳаракатга айлана олганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Шу сабабли, мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуни бугунги давр талабларига мос равишда ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифаларни белгилаб берганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислох этиш мақсадида ҳамда бу борада кенг жамоатчилик, аввало, ёшлар вакилларининг таклиф ва мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда:

1. Ўзбекистон "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 2017 йил 30 июнь кuni бўлиб ўтган IV қурултойи қарорига мувофиқ, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун – 30 июнь санаси мамлакатимизда "Ёшлар кuni", деб эълон қилинсин.

3. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилансин:

биринчидан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқини республикада ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликини таъминловчи, "Ёшлар – келажак бунёдкори" шiori остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айлантириш;

иккинчидан, ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, онги ва қалбида мустақиллик гояларига содиқлик, миллий ўзлигини англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик хиссини қарор топтириш ва ривожлантириш, турли мафкуравий таҳдидлардан асраш;

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Абитуриент – 2017

АКТ ИМКОНияТЛАРИДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА

И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида навбатдаги ўқув йили учун абитуриентлардан ҳужжат қабул қилинмоқда.

Мамлакатимизда олий таълим тизимини изчил ривожлантиришда халқаро ҳамкорлик алоқаларини чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги савий ҳаракатлар самарасида Тошкент Халқаро Вестминстер университети, Турин политехника университети, М.Ломоносов номидаги Москва давлат, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт, И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Жанубий Кореянинг Инчху университети сингари нуфузли хорижий олий ўқув юртлири филиаллари юртимизда фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз ёшларининг И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида ўқишга бўлган қизиқиши тобора ортаётгани таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик бераётган самаралардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 майдаги 2017/2018 ўқув йили учун И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиалига қабул қилиш тўғрисидаги қарори мувофиқ таълим муассасасига 235 киши ўқишга қабул қилиниши белгиланган.

Қабул комиссиясининг самарали ишлаши, абитуриентлардан ҳужжатларни тез ва сифатли қабул қилиш, уларга зарур тасвия ва маслаҳатлар бериш учун барча шароит яратилган. Бу ерда ўрнатил-

ган LED-экранларда ҳар бир йўналиш учун ажратилган квоталар билан танишиш, тақдим этилган аризалар сонини мониторинг қилиш, университет тарихи ва бугунги кунидан ҳикоя қилувчи роликларни томоша қилиш мумкин.

Комиссия тарихига тажрибали профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар жалб этилиб, абитуриентлар ва ота-оналарнинг мурожаатларига ўз вақтида жавоб қайтарилмоқда. Замонавий ахборот технологиялари кенг татбиқ этилгани ҳужжат қабул қилиш жараёнининг самарадорлиги ҳамда очилиқчини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

– Жорий йилдан бошлаб ҳужжатлар "ИС:Университет" автоматлаштирилган тизими орқали қабул қилинмоқда, – дейди ЎзА мухбирига филиал қабул комиссияси аъзоси Феруза Алимбекова. – Бунда абитуриент ҳақидаги биометрик маълумотлар тизимга қиритилади ва имтиҳонлар топшириш жараёнида улардан фойдаланилади. Яъни абитуриент имтиҳон бўладиган жойга кириши учун унинг бармоқ излари сканердан ўтказилади.

Филиалнинг интернетдаги электрон манзилида (www.gubkin.uz) ҳар бир йўналиш, ҳар бир кун бўйича қабул қилинган ҳужжатлар сони билан танишиш бориш имконияти яратилгани, маълумотлар ҳар кuni янгиланаётгани абитуриентлар томонидан яна бир қўлайлик сифатида баҳоланмоқда.

Беҳзод БОЗОРОВ

Иқтисодиёт

ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ВА "INFIN BANK" ЎРТАСИДА БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Тошкентда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) ҳамда "Invest Finance Bank" ("InFin Bank") ўртасида савдо-сотиқ йўналишида ҳамкорлик қилиш бўйича битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича устувор дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш борасида Ўзбекистон ва Осиё тараққиёт банки ўртасидаги ўзаро манфаатли шериклик изчил ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда ҳамкорликда қарийб 60 лойиҳани молиялаштириш учун банкнинг 6 миллиард доллардан кўпроқ маблағи жалб қилинган.

Шу йил март ойида Осиё тараққиёт банки президенти Такехико Накао раҳбарлигидаги ОТБ делегациясининг мамлакатимизга қилган ташрифи чоғида сув таъминоти, йўл қурилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда мева-сабзавотчилик соҳаларини ривожлантириш бўйича банкнинг 573 миллион долларлик маблағини жалб қилиш бўйича тўртта битим имзоланган.

Осиё тараққиёт банки савдони молиялаштириш дастури орқали мамлакатимиздаги тижорат банклари билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Дастур доирасида Ўзбекистон савдони қўллаб-қувватлаш мақсадида қарийб 1 миллиард 300 миллион долларлик 467 битим молиялаштирилган бўлиб, уларнинг 46 фоизи кичик бизнес субъектлари иштирокидаги шартномалар ҳисобланади.

Шу пайтга қадар савдони молиялаштириш дастурини амалга оширишда ОТБ мамлакатимизнинг "Асака", "Узсаноатқурилишбанк", "Ҳамкорбанк", "Ипак йўли банк" сингари молия идоралари билан ҳамкорлик қилиб келаётган бўлса, эндиликда "InFin Bank" ҳам ушбу дастурда иштирок этиш имкониятини қўлга киритди.

– Осиё тараққиёт банкнинг савдони молиялаштириш дастурига қўшилиш бизга мамлакатимизда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда янада фаол иштирок этиш имконини беради, – дейди "InFin Bank" бошқаруви раиси З.Абдуллаев. – Бу эса миллий иқтисодиётнинг изчил тараққиёти этиши, аҳоли турмуш фаровонлиги даражасининг ортишига хизмат қилади.

ОТБнинг савдони молиялаштириш дастури Осиё китъасидаги 200 дан зиёд ҳамкор банкка савдони қўллаб-қувватлаш учун кафолат ва кредитлар беради. Дастурнинг самарадорлигини таъминлаш юзасидан қўрилаётган тизимли чора-тадбирлар натижасида минтақадаги савдо-сотиқ алоқаларининг мустақамланиши, хусусан, экспорт-импорт амалиётлари ривожланишида мазкур молиявий механизмнинг аҳамияти тобора ошмоқда. 2009 йилдан бери Осиё минтақасида дастур доирасида 9 минг 200 дан зиёд корхонага 26 миллиард долларга яқин молиявий ёрдам кўрсатилган.

(ЎЗА)

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили самаралари ҳар бир соҳада намоён бўлмоқда. Фуқаролар мутасадди раҳбарларга турли шаклларда мурожаат қилиб, ўз саволларига жавоб олмақда.

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ФУҚАРОЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРДИ

Халқаро пресс-клубда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг тўғридан-тўғри мулоқоти бўлиб ўтди.

Ташқи ишлар вазирининг Абдулазиз Комилов хориждаги юрtdошларимизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

Вазирликда фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича махсус ишчи гуруҳ тузилган. 2016 йилнинг октябрь ойидан бугунги кунгача вазирликка жисмоний ва юридик шахслардан 6,5 мингдан зиёд ариза тушган. Улардан 3 мингга яқини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, қарийб 3,5 мингтаси ташқи ишлар вазирининг виртуал қабулхонаси, Ягона интерактив давлат хизматлари портали, вазирлиқнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаси ва электрон почта орқали келган.

Мурожаатлар асосан шахсни тасдиқловчи ҳужжат йўқолганда мамлакатимизга қайтиш гувоҳномасини расмийлаштириш, био-

метрик паспорт олиш, хорижий давлатда Ўзбекистон фуқароларига нисбатан кўзга-тилган жиноий ишларнинг ҳоли олиб борилишини таъминлаш ва бошқа масалаларда бўлган. Барча мурожаатлар бўйича амалий ёрдам ёки асосланган тушунтириш берилган.

Халқимизга янада қўлайлик яратиш, консуллик-ҳуқуқий хизмат кўрсатишнинг шароити ва тартибларини такомиллаштириш мақсадида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, чет элда ҳужжатлари йўқолган ва мамлакатимизга қайтиш учун гувоҳнома берилишини сўраб мурожаат қилган аризаларнинг шахсини тасдиқлаш муддати 3 ойдан 7 иш кунига қисқартирилди. Хорижий давлатларда яшовчи ва паспортини биометрик ҳужжатга алмаштиришга улгурмаган фуқаролар учун эски паспортдан йўл ҳужжати сифатида фойдаланиш муддати 2018 йил 1 июлгача узайтирилди.

(Давоми 3-бетда)




• Андижон вилояти Шахрихон туманида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Андижон вилояти кенгаши, вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамда "Микрокредитбанк" вилоят филиали ҳамкорлигида "Банк кредитлари – ёшлар ва хотин-қизлар учун" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

• Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги "Қуёшли" болалар соғломлаштириш оромгоҳида Республика интеллектуал ривожлантириш оромгоҳининг 2-навбати иш бошлади. "Қуёшли" бо-

лалар оромгоҳида ёз мавсумининг биринчи навбатида "Билимлар беллашуви" ва турли фан олимпиадалари ғолибларидан иборат 250 нафар истеъдодли ўғил-қиз касаба уюшмалари томонидан дам олиши учун жалб этилган.

• Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида давлат тест синовлари ўтказилди. Жорий йилда мазкур билим юртига ўқишга кириш учун саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган 746 абитуриент тест синовларини топширди.

• Андижонда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси тизимидаги бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ўртасида ўтказилган "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танлови ғолиблари тақдирланди.



• Словакиялик қаҳвасевар ака-укалар Адам ва Дэвид Надлар янги рангсиз "C1r Cff" қаҳвасини тайёрлашга эришдилар. Сув каби шаф-

фоф қаҳва таркибида факат сут ва арабика қаҳваси мавжуд. Унга ҳеч қандай консервант, ароматизатор ва стабилизатор қўшилмаган. Ичимлик оддий қаҳва тишининг рангига таъсир қилишдан кўркувчилар учун ишлаб чиқилган. Унда 200 миллилитр кофеин мавжуд бўлиб, оддий қаҳва ичимлигининг таркибида ҳам шунча кофеин бор.

• Туркиянинг Анталия шаҳрида маиший чикиндидан электр токи ишлаб чиқарувчи иссиқлик электр станцияси барпо этилди. Ҳукумат томонидан катта эътибор қаратилаётган ушбу ИЭС қурилиши ўтган йилнинг ноябрида бошланганди. Июлда станция синов тартибида ишга туширилади. ИЭСнинг электр ишлаб чиқариш қуввати 25 мегаватт ташкил қилади. Катта сайёҳлик оқимида эга Анталиянинг станция ишга туширилиши билан маиший чикиндилардан буткул қутулишига эришиш кутилмоқда.

• Бутун жаҳон бўйлаб Facebook тармоғидан фойдаланувчилар сони икки миллиард кишига етди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН
ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

учинчидан, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда ёшлар фаолигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва ҳуқуқ билимларга эга ташаббускор, шижоатли, эл-юрт манфаати йўлида бор куч-ғайрати, билим ва салоҳиятини сафарбар қиладиган, мамлакат истиқболни ўзини масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир ёшлар сафини кенгайтириш;

тўртинчидан, ёшларнинг замонавий касб-хунарларни пухта эгаллаши учун муносиб шaroитлар яратиш, бандлигини таъминлаш, ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш, уларни кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ташаббусларини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўбга чикаришига қўмаклашиш;

бешинчидан, ёшларнинг илмий ва бадий китоблар, жумладан, электрон асарларни ўқишга бўлган қизиқишини янада ошириш, ҳуқуқий, экологик, тиббий ва ахборот-коммуникация технологияларида фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафқуравий таҳдидларга, ҳусусан, диний экстремизм, терроризм, "оммавий маданият" ва бошқа ёт ғояларга қарши мустахкам иммунитетни шакллантириш;

олтинчидан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва оила муқаддаслиги ғояларини кенг тарғиб қилиш, эрта турмуш қуриш ва ёш оилалар аҳралишининг олдини олишга қаратилган самарали тадбирларни амалга ошириш;

еттинчидан, ёшларни, айниқса, улар уюлмаган қисмининг бўш вақтини маъмурий ташкил этиш мақсадида спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга, ижодий тўғрақлар ва турли, жумладан, хорижий тилларни ўргатиш ўқув курсларига кенг жалб этиш;

саккинчидан, ёш оилалар, ҳусусан, имконияти чекланган ва иқтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб ўй-ғой ва иқтимоий-маиший шaroитлар яратишга қаратилган мақсадли ишларни ташкил этиш;

тўққизинчидан, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва профилактика қилиш ишларида фаол иштирок этиш;

ўнинчидан, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этадиган, халқ манфаатларига садоқат ҳалол ҳизмат қиладиган билимли, ташаббускор, ишбилармон, билан ва фидойий ёш раҳбар кадрларни тарбиялаш, заҳирасини яратиш ва уларни давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг масъул лавозимларига тасвиз этиш;

ўн биринчидан, ёшлар сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, хорижий мамлакатларда таҳсил олаётган ва меҳнат қилаётган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

ўн иккинчидан, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ёшларга оид фаолиятини ташкил этишда ғоявий-услубий жиҳатдан қўмақ бериш.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ташкил этиш, натижаси бўйича таъсирчан чоралар қўриш.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Жамоат-ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш хизматининг ёшлар сиёсатини амалга ошириш соҳасида давлат ва жамоат ташкилотларини мувофиқлаштириш шўбаси негизда **Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ёшлар сиёсати масалалари хизмати** ташкил этилсин.

Хизматнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши фаолиятини самарали ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида" ги қонунда белгиланган вазифаларнинг тўлақонли икросини ташкил этиш ва назорат қилиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасидаги фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш, уларга ғоявий-услубий ёрдам қўрсатишни ташкил этиш;

ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш мақсадида тизимли ўрганиш ва таҳлиллар асосида соҳага оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ташкилий-кадрлар хизмати бир ҳафта мuddатда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ёшлар сиёсати масалалари хизмати фео-

лиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин.

5. Белгилансинки: Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ёшлар сиёсати масалалари хизматида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси** раҳбарлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўз лавозимида **қўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси** ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати, Ёшлар сиёсати масалалари хизмати Вазирлар Маҳамаси билан биргаликда икки ҳафта мuddатда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлашни назарда тутичи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин.

7. Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши иловига мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Идоралараро кенгашнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашига юклатилган вазифаларни амалга оширишда яқиндан қўмаклашиш;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида" ги қонунни талабларини ҳаётга тўлақонли жорий этиш ва бу борада таъсирчан назорат ўрнатиш.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари раислигида Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идоралараро кенгашлар тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамаси икки ой мuddатда Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши тўғрисидаги низоми ҳақида Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идоралараро кенгашлар тўғрисидаги намунавий низоми тасдиқласин.

9. Буюк давлат арбоби ва саркарда Соҳибқирон Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ўрнак бўлиб хизмат қилишини инобатга олган ҳолда, республиканинг барча ҳарбий академик лицейларига **"Темурбеклар мактаби"** номи берилсин.

10. Ёшларнинг илмий ва ижодий фаолиятини натижаларини, илм-фан ва адабиётга бўлган қизиқишларини ҳамда ёшлар сиёсатида оид муҳим янгилликлари кенг ёритиш мақсадида:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг "Туркистон" ва "Молодёжь Узбекистана" газеталари, "Ёш куч" журнали ҳамда бошқа ёшлар нашрларини чоп этишга ихтисослашган **"Ёшлар нашриёти уйи"** ташкил қилинсин;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши Республика Хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда **"Қизларжон"** журналин тасвиз этсин.

11. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта мuddатда:

"Адабиётга эътибор – маънавият, келажакка эътибор" шиори остида "Мен севиб ўқиган китоб" ва "Энг яхши китобхон" республика танловлари, "Китоб байрами" ва "Болалар китоблари" аънавий республика фестивалларини;

"Биз Ватанга таянимиз", "Бизнинг энг катта таянчимиз ва сўянчимиз, ҳал қилувчи кўчимиз ёшлар" шиорлари остидаги акцияларни;

"Адабиёт ва санъат – шахс маънавиятини бойитиш ва юксалтириш омил" мавзусида ёзувчилик, шoirлар, санъаткорлар, адабиётшунос олимлар иштирокидаги учрашувларни;

республиканинг чекка ҳудудларида халқ рассомлари, халқ усталири билан болалар, ёшлар ва уларнинг ота-оналари учун "Бунёдкор халқим билан мулоқот – ижодим илҳоми" мавзусида мастер-класслар ва ижодий учрашувларни;

"Энг буюк жасорат – маънавий жасоратдир" мавзусида давра суҳбатларини доимий равишда ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

12. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маданият вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва ра-

қобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой мuddатда:

Анжидон, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар Ёшлар марказлари биноларини қуриш, Бухоро ва Хоразм вилоятлари Ёшлар марказлари бинолари қурилишини тугаллаш ва фойдаланишга топшириш, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари Ёшлар марказлари биноларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича дастур лойиҳасини;

республиканинг барча туман ва шаҳарларида синов тариқасида 11 йиллик мажбурий ўрта таълим тизимининг жорий этилиши муносабати билан бўшайдиган коллежларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг тегишли кенгашлари ихтиёрига бегараз ўтказиш, уларнинг негизда барча қудайликларга, жумладан, кутубхона ва китоб дўконига эга бўлган **Ёшлар марказлари ва замонавий ёшлар кинотеатрларини, шунингдек, ёшларни, айниқса, уларнинг уюшмаган қисмини 6 ойгача бўлган мuddатда касб-хунарга тўловсиз ўқитиш марказларини ташкил этиш дастури** лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳамасига киритсин.

13. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг: 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида "катта етакчи" ва "тўғрақ раҳбар" штат бирикларини тугатиш ҳисобига лавозим маоши юқори синф ўқитувчисига тенглаштирилган **"ёшлар етакчиси"** штат бирикларини жорий этиш; ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида "ёшлар етакчиси" вазифаси юклатилган ходимга ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг директор жамағармаси маблағлари ҳисобидан олий маълумотли ўқитувчи базавий тариф ставкасининг **50 фоизи миқдорида ҳар ойлик устама** белгилансин;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши қошида ёшларнинг хоҳиш ва интилишларидан келиб чиқиб, **ёшлар уюшмалари** ҳамда **ёшларга иқтимоий-психологик ёрдам қўрсатиш марказларини** ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида **Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтини** ташкил этиш;

юртимизда турли соҳа ва тармоқларда юксак натижа ва ютуқларга эришадиган йигитларни тақдирлаш мақсадида **"Мард ўғлон"** давлат мукофотини тасвиз этиш;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ўқиш, меҳнат ва жамоат ишларида ҳар томонлама фаол иштирок этаётган ёшларни тақдирлаш мақсадида **"Келажак бунёдкори"** медалини тасвиз этиш;

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб кичик бизнес корхоналари томонидан тўланадиган **ягона солиқ тўлови учун ҳисобланган сумманинг 8 фоизини** Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамағармасига ўтказиш;

таълим муассасасини тамомлаганига уч йил бўлмаган, биринчи марта ишга қабул қилинган ёшларга **даромад солигини биринчи йил учун 50 фоиз, иккинчи ва учинчи йиллар учун эса 25 фоизга қамайтириш**;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида турли фанлар, жумладан, чет тилларни ўргатиш, компьютер дастурларини тузиш ва тадбиркорлик асосларини ўқитиш мақсадида ташкил этиладиган **шўъба корхоналарини 2027 йил 1 августга қадар барча солиқлардан озод этиш**, бунда корхона ихтиёрида қоладиган сумманинг 20 фоизини Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамағармасига ўтказиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ташкилий-кадрлар хизмати манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг янгиланган устави ва тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони лойиҳасини киритсин;

"Мард ўғлон" ва **"Келажак бунёдкори"** давлат мукофотларини тасвиз этиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш бўйича тақлиф тайёрласин.

15. Белгилан қилинсинки:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар кенгашлари раислари тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳисобланади ва макрми бўйича уларнинг биринчи ўринбосарларига тенглаштирилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиларини сақлаш

ҳаражатлари Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг тегишли кенгашлари ҳисобидан қолланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, иқтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлигининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлим-масси) бошлиғи **Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси тавсияси** асосида белгиланган тартибда лавозимга тайинланади;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида 3 йил ва ундан қўп мuddат давомида фаол ишлаб келаётган ходимларга ўй-ғой со-тиб олиш учун **ипотека кредитининг бошланғич тўлови** Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамағармаси маблағлари ҳисобидан тўланади;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратура босқичлари талабаларига ўртача ўзлаштириш қўрсаткичи 86 фоиз ва ундан юқори бўлган тақдирда таълим бўйича **тўлов контракт миқдорининг 35 фоизи Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамағармаси маблағлари ҳисобидан тўланади**.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамаси, Иқтисодиёт ва Молия вазирлигини, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда бир ой мuddатда мамлакатнинг иқтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўй-ғой ва маиший шaroитларини яхшилаш мақсадида **2018-2021 йилларга мўлжалланган Ёшлар уйлари**ни барпо этиш дастури-ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Ёшлар уйлари

барпо этиш дастурида барча йирик шаҳарларда – қўп қаватли, қишлоқ туманларида – 1-2 қаватли намунавий лойиҳалар асосида арзон уйлар ёшларнинг ўй-ғойга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб қурилиши назарда тутилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда бир ой мuddатда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раисларини рағбатлантириш мақсадида уларга **"Матиз"** ва **"Дамас"** автомашиналарини харид қилиш учун **10 йил мuddатгача мўлжалланган, бошланғич тўлови 15 фоизлик имтиёзли кредитлар ажратиш** бўйича Вазирлар Маҳамасига тақлиф киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши билан биргаликда икки ой мuddатда:

туман марказлари ва шаҳарларида Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишни;

фойдаланилмаётган давлат объектларини, шунингдек, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналаридаги объектларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга тўловсиз ижарага бериш тартибини жорий этишни таъминласин.

19. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясини, "Ўзбекнефтьгаз" МХК ва "Ўзбектелеком" АКнинг "Yoshlar" телерадиоканали АЖнинг 50 фоиз акцияларини Ўзбекистон ёшлар иттифоқида бериш тўғрисидаги тақлиф маъқуллансин.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясини Адлия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда "Yoshlar" телерадиоканали АЖ фаолиятини такомиллаштириш бўйича бир ой мuddатда Вазирлар Маҳамасига тақлиф киритсин.

20. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари ҳар ойда қамда бир марта ёшлар билан очиқ мулоқотларни ўтказиб бориш амалиётини жорий этсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳамасига тақлифлар киритсин.

22. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Қ.Қ.Қуронбоев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,

2017 йил 5 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
ВА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ёшларни маънавий етук ва жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойий этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Шунга қарамайдан, ёшлар ҳаётидаги энг долзарб масалалар, айниқса, уюшмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун шaroит ва имконият яратиш, уларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш бўйича олиб бориладиган ишлар талаб даражасида эмаслигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Жойларда, аввало, амбор чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган қўп сонли ёшларнинг ўз ихтидор ва истеъдодлари рўбга чиқариши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун кенг шaroитлар яратиш, уларни турли зарарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этишда "Қамолот" ёшлар иқтимоий ҳаракати Ўзбекистон ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган оммавий ҳаракатга айлана олмаганини ҳаётнинг ўзи қўрсатмоқда.

Шу сабабли, мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янги юксак сифат босқичига қўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида" ги Фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, ёшларга оид давлат сиёсатини илчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислох этиш мақсадида Ўзбекистон "Қамолот" ёшлар иқтимоий ҳаракати негизда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун – 30 июнь санаси мамлакатимизда "Ёшлар кўни" сифатида нишонланади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги ислохотларда ёшлар фаолигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифалар қўйилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи республикадаги ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширили-

шида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, "Ёшлар – келажак бунёдкори" шиори остида профессионал фаолиятини амалга оширувчи тузилмага айланмади.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолиятини устидан самарали жамоатчилик назоратини ташкил этиш, натижаси бўйича таъсирчан чоралар қўриш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳуқуқий ва амалий ваколатлари кенгайтирилди, тегишли имконият ва имтиёзлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида Ёшлар сиёсати масалалари хизмати ташкил этилиб, унга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси раҳбарлик қилиши белгиланди.

Ёшлар сиёсати масалалари хизмати Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши фаолиятини самарали ташкил этиш, Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида" ги қонунда белгиланган вазифаларнинг тўлақонли иж

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ФУҚАРОЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ташқи ишлар вазирлиги ва хориқдаги ваколатхоналарда хизмат кўрсатишнинг интерфаол усуллари қўлланилмоқда. Бугунги кунда фуқароларга "Интерактив консуллик хизматлари" портали (<http://consul.mfa.uz>) орқали 12 турдаги консуллик хизматлари кўрсатилмоқда. Чет элликларнинг Ўзбекистонга кириш визаси олишнинг расмийлаштириш учун <http://evisa.mfa.uz> веб-сайти яратилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ жорий йилда янги тахрирдаги Консуллик низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш кўзда тутилган. Ушбу ҳужжат чет давлатларда Ўзбекистон фуқаролари ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини тўла ва аниқ белгилаб беради.

Россиядаги юрдошларимизнинг манфаатларини янада кенгроқ ҳимоя қилиш мақсадида Санкт-Петербург, Қозон, Ростов-Дон, Екатеринбург, Владивосток шаҳарларида консуллик ваколатхоналарини очиб масаласи ишлаб чиқилмоқда. Мамлакатимизнинг қатор хорижий давлатлардаги элчихоналарида ходимлар сонини кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Ташқи ишлар вазирлиги Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган давлатимизнинг ташқи сиёсати мазмун-моҳияти, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан Ўзбекистоннинг позициясини тушунтириб берди. Ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ҳудудидан ташқарида бўлишига йўл қўймаслик, барча мамлакатлар, аввало, қўшни давлатлар билан дўстона ва прагматик сиёсат олиб бориш Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб қолишини таъкидлади.

Видеоконференция шаклида ўтган мулоқотда мамлакатимизнинг бутун дунёдаги 47 дипломатик ваколатхонаси раҳбарлари ҳам қатнашди. Улар, студияга тақлиф этилган вазирлик ва идоралар вакиллари ўзларига таллуқли саволларга жавоб қайтарди.

Тадбир телевидение орқали бевосита эфирга узатилди.

А.САМАДОВ,
ЎЗА мухбири

"Тараққиёт стратегияси" марказида Болонья декларациясига мувофиқ, Ўзбекистонда олий таълимни модернизация қилишнинг инновацион ёндашувларига бағишлаб семинар ўтказилди. Унда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимиз олий таълим тизимини ривожлантиришга оид мақсад ва вазифалар муҳокама этилди.

ЎҚИТУВЧИ ВА ТАЛАБАЛАР ФАОЛЛИГИ – ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ КАФОЛАТИ

"Тараққиёт стратегияси" маркази "Erasmus+" лойиҳасининг Ўзбекистондаги Миллий офиси билан ҳамкорликда ташкил этган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Европа Иттифоқининг юртимиздаги делегацияси, олий таълим соҳасидаги экспертлар миллий жамоаси вакиллари, "Tempus" ва "Erasmus+" лойиҳалари иштирокчилари, журналистлар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари У.Бегимкулов, "Тараққиёт стратегияси" маркази ижрочи директори А.Бурхонов, "Erasmus+" лойиҳасининг Ўзбекистондаги Миллий офиси координатори А.Абдурахмонова ва бошқалар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш дастурини ишлаб чиқиш кўзда тутилганини таъкидлади. Дастур доирасида миллий кадрлар раёбатбардошлигини, олий таълим тизимини тегишли жаҳон амалиёти даражасигача ошириш, иштирокчи давлатлар

дипломларини ўзаро тан олиш, ўқитувчи ва талабалар алмаштириш дастурини амалга ошириш имконини берадиган 1999 йил 19 июнда Болонья декларациясига қўшилиш масаласи кўриб чиқилди. Шу муносабат билан семинарда Болонья декларацияси жараёни, унинг ривожланиш ва асосий принциплари тўғрисида умумий маълумот берилди.

Семинар иштирокчилари 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва ундаги олий таълим соҳасига оид боблар билан таништирилди. Уларга Болонья жараёнини ривожлантириш тарихи ва унинг фаолиятидаги асосий принциплар тўғрисида маълумот берилди, олий таълимни Болонья жараёнига мувофиқ модернизация қилишнинг инновацион ёндашувлари муҳокама қилинди.

Болонья жараёни принципларини илгари суриш ва жорий қилиш, олий таълимни байналмилаллаштириш борасида тажриба орттириш, сафарбарликни ташкил этишда "Tempus" ва "Erasmus+" лойиҳаларининг роли, Европанинг имтиҳон балларини конвертация қилиш ва тўплаш тизими (ECTS) инobatта олинган ҳолда, малакани тан олиш ҳамда дастурлар

яратиш масаласига бағишланган маърузалар тингланди.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг 42 олий таълим муассасаси "Tempus IV" ва "Erasmus+"нинг 20 лойиҳасида иштирок этмоқда. Мамлакатимиз олий ўқув юрларининг маърузалар кўрсатиш йил сайин орттириб бораётди.

Юртимиз ўқитувчи ва талабалари кредит мобиллиги бўйича 85 лойиҳа доирасида Европа олий ўқув юрларида ўқиш ва малака ошириш имкониятига эга бўлди. Европалик ўқитувчилар эса Ўзбекистонга маъруза ўқиш ва семинарлар ўтказиш учун келди.

Ўтказилган иккита танлов натижаларига кўра ишлаб чиқилган режага мувофиқ, Ўзбекистонлик 461 ўқитувчи Европа университетларида малака ошириб, ўқитишнинг янги усуллари билан ўзлаштириш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, 2017-2018 ўқув йилида Европа сановат қорхоналари ва ноакадемик йўналишдаги тегишли шерик ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташ имконияти яратилди.

Семинар қатнашчилари Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни юқори баҳолади.

Роман БОНДАРЧУК

Шундай ижодкорлар борки, улар яратган асарлар йиллар ўтгани сайин сайқалланиб, мухлислар кўнглидан чуқур жой олиб бораверади. Дилбар қўшиқлар ижрочиси, устоз санъаткор Ўзбекистон, Туркманистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов ижодида худди шундай хусусиятни кузатиш мумкин.

Маънавият сарчашмалари

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Яқинда Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти ташаббуси билан Ўзбекистон бадий жамоалар ижодий бирлашмаси ҳамкорлигида боғнинг марказий саҳнасида "Барҳаёт сиймолар" туркумидан Ўзбекистон, Туркманистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган адабий-музикаий тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Тўхтасин Гофурбеков, Ўзбекистон халқ артистлари Ортиқ Отажонов, Гулсара Ёқубова ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Отамурад Бекчонов, Мунаввара Султонова, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Каримбой Раҳмонов, Республика танловлари гоялиби, Комилжон Отаниёзовнинг шоғирди Қўзайиб Бекчонов ўз хотиралари билан йилгиларини хушнуд этди.

Комилжон Отаниёзов 1917 йилнинг 22 июль кунини Хоразм вилояти Шовот туманидаги Бўйрачи қишлоғида Нийёз таҳаллуси билан девон тугзган Отаниёзов охун оиласида дунёга келди. Ўн бир ёшида отасидан эрта айрилган Комилжон рўзғорда онасига қўмаклашиш учун подчаилик қилади. У бошланғич мактабни тугатгач, ту-

мандаги тўлиқсиз ўрта мактабда ўқийди. Мактабда Абдукарим Абдураҳмонов раҳбарлигидаги ҳаваскорлар тўғрарига қатнашиб, ўзининг театр ва санъатга бўлган иштиёқини ривожлантиради.

Бу йўлда унга биринчи устози Абдукарим ака энг яқин қўмақдош бўлади. Комилжон мактабни битириб, 1934 йили Урганч шаҳридаги муаллимлар тайёрлаш институтига ўқишга киради. Институтни битиргач қишлоғида мактабда ўқитувчилик қилади. 1936 йили санъатга бўлган интилиш уни Хива театрига етаклайди. Комилжон Отаниёзовнинг актёр сифатида шаклланиш даври айнан Хива театрида бошланган. Хивада у Ўзбекистон халқ бахшиси Қурбонназар Абдуллаевдан дoston йўллари, Девон бободан саҳна маданиятини ўрганди.

Комилжон Отаниёзов 1940 йилдан эътиборан Урганч шаҳридаги Хоразм вилоят музикали драма ва комедия театрида иш бошлайди. Ёш актёр маҳоратининг ошишида ва ундаги истеъдоднинг юзага чиқишида театр бош режиссёри Зўхур Қобуловнинг хизматлари катта бўлди.

Пойтахтимизда ёшлар ўртасида ўғирлик жинояти анча ортганини статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Қуйида сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган жиноят тафсилоти мазкур воқеалар билан боғлиқ.

Холмурод Раҳимов 19 ёшда. Унинг ўртоғи Жаҳонгир Исабев (исм-шарифи ўзгартирилган) 22 ёшда. Иккаси ҳам муқаддам ўғирлик, талон-чилик жинояти билан судланган. Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидаги маҳаллаларда яшабди.

Икки ўртоқ аввал ҳам судланганидан тегишли ҳулоса чиқариб олмади. Холмурод 2016 йил 8 декабрдан 9 декабрь кунига ўтар кечаси таҳминан соат 02.00 лар атрофида ўзганининг мулкни талон-тарож қилиш мақсадида Миробод туманидаги ҳовлилардан бирига дарвозасидан охиб ўтиб, хонадон ётоқхонасига гайриқонуний равишда кириб, ушбу хонадонда истикомат қилувчи Шаҳноза Давроновага тегишли нархи 3 млн. сўмлик "iPhone – 5S" уяли алоқа воситасини, Анора Давроновага тегишли нархи 6 млн. сўмлик "SAMSUNG GALAXY S6 EDGE" уяли алоқа воситасини ҳамда 200 минг сўм пулни ўғирлаб, воқеа жойидан яширинган.

У ўғирланган телефонларни арзонароғи бировларга сотиб юборади. Холмурод бундан кейин ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, шериги Жаҳонгир Исабев билан олдин-

Қилмиш-қидирмиш

ПАНЖАРА САРИ ЕТАКЛАДИ

Ўтиб, ҳовлида турган "Матиз" автомашинасининг эшиклари очилганидан фойдаланиб, ундан 20 минг сўм пулни олиб, секин кўчага чиқиб қараса, шериги Жаҳонгирни икки киши ушлаб олганлигини кўриб, кўрқиб жуфтақни ростлайди. Кўрилган тадбирлар натижасида эртаси кунини Х. Раҳимов ҳам ушланиб, ИИБга олиб келинади.

Бу икки ошагна нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, иш судга оширилди. Суд мажлисида Х. Раҳимов айби-

га тўлиқ иқдор бўлса, Ж. Исабев айбига иқдор бўлмади.

Судланувчи Х. Раҳимовнинг айби юқорида келтирилган кўрсатмалардан ташқари, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, юзлаштириш, нар-

сани олиш ва кўздан кечириш баённомаси, тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишидаги бошқа далиллар билан ҳам тўлиқ исботланди.

Судланувчи Ж. Исабевнинг айби юқорида келтирилган гувоҳ Ж. Ахмедовнинг кўрсатмасидан ташқари, унинг ўзининг ва судланувчи Х. Раҳимовнинг дастлабки тергов жараёнидаги Ж. Исабев билан ўғирлик содир қилишлари тўғрисида олдиндан тил бириктирилганликлари ҳақидаги



Музыка илми соҳасидаги билиминини янада ошириш истаги Комилжон Отаниёзовни Тошкент шаҳрига етаклайди. У 1955 йили Тошкент музика билим юртини тугаллаб, 1955-1956 йилларда Ўзбекистон Давлат консерваториясида таълим олади. Комилжон Отаниёзов бастакор сифатида "Азиз ва Санам", "Ошиқ Фароб", шунингдек, Султон Хайитбоев ҳамкорлигида "Сўнгги хон" каби музикали драмалар яратди.

Адабий-музикаий кедада Ўзбекистон бадий жамоалар ижодий бирлашмаси қошидаги "Лағзи" Хоразм ашула ва рақс ансамбли жамоаси, хонандлар Бахтиёр Султонов, Зайнаб Худойрова, Мирзо Улуғбек туман маданият ва аҳоли дам олиш маркази қошидаги "Буви-жонлар" фольклор гуруҳи қатнашчилари ўзларининг махсус концерт дастурлари билан иштирок этдилар.

Мухаммаджон ҚОЗОҚБОВ
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

кўрсатмалари, уларнинг ўрталарида ўтказилган юзлаштириш баённомалари, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишидаги бошқа далиллар билан ҳам тўлиқ исботланди.

Шундай қилиб, Х. Раҳимов Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми "а" банди билан жиноятлар содир этганлигида айбдор деб топилди. Х. Раҳимовга узил-кесил 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Унинг шериги Ж. Исабевга Жиноят кодексининг 25, 169-моддаси 3-қисми "а" бандида кўрсатилган жиноятларни содир этганлигида айбдор деб топилди ва унга шу модда билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда узил-кесил ўташ учун 2 йил-у 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Х. Раҳимовдан жабрланувчи А. Давронованинг фойдасига 6 млн. 266 минг сўм моддий зарар ундирилаётган бўлди.

Ҳа, жиноятчилар ўз жазосини олишди. Бу икки йигит хали буйдоқ, илгари ҳам жиноят содир этиб судланган. Улар ҳалол меҳнат қилиб жамиятда ўз ўринларини топиши мумкин эди. Афсус, қилмишларини тўғри ҳулоса чиқармаслик уларни яна "панжара" сари етаклади...

Саид ЗОХИДОВ,
Миробод тумани прокурорининг ёрдамчиси



Маълумки, мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ соҳасида кескин ислохотлар юз берди. Айни пайтда бу борада қандай ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Л.Ортиков, Миробод тумани

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрда "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Унда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек, оид судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари этиб белгиланиши назарда тутилган.

Мазкур Фармон билан барча давлат идоралари каби судларга ҳам жуда катта масъулият юкланмоқда. Зеро, судлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларини ўз вақтида ҳал этиш, муносабатларни кўриб чиқишда сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатлари йўл қўймаслик, акс ҳолда жавобгарлик муқаррар эканлигини доимо ёдда сақлаш, турли сайёр судлар ташкил этиш орқали суд фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳам Фармон мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Ушбу Фармон талабларини таъминлаш мақсадида судлар томонидан бир қатор ишларни амалга ошириш бошланди. Жумладан, ҳар бир суд биносида "фуқаролар қабулхоналари" самарали фаолият кўрсатмоқда. Ҳар қандай муносабат судлар томонидан ўз вақтида кўриб чиқилиб ва муножаат қилувчиларга тегишли тартибда Ўзбекистон Республикаси процессуал қонунчилиги ҳамда "Жисмоний ва юридик шахслар муножаатлари тўғрисида"ги қонун талаблари доирасида тушунириш берилмоқда. Бундан ташқари фуқаролик ва ҳужалик судларида электрон тартибда муножаат этиш тартибини такомиллаштириш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Эндиликда фуқаролар суд идораларига келмасдан интернет тизими орқали судларга ариза билан муножаат этиш, турли ёзишмаларга жавоб ва суд қарорларини ҳам электрон шаклда олиш имконияти яратилмоқда.

Бехзод РЎЗИБЕКОВ, Феруза ТУРСУНОВА,
Юнусобод туманидаги 11-сон ДНИ нотариуслари

Мамлакатимизда коррупцияга оид қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Д.Юлдашев, Яккасарой тумани

2017 йил 4 январдан Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни қучга кирди. Қонунга кўра, жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик фактларига доир муножаатлари тўлиқ, ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқилади. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берган шахсларнинг ҳимоя қилиниши таъминланади.

Айни пайтда давлатимиз раҳбарининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қондаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида "2017-2018 йилларга мўлжалланган "Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури" тасдиқланиб, коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тузилди.

Мазкур комиссия коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширилиши ташкил этади. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлайди. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширилиши ташкил этади.

Гавҳар ЯКУБОВА, Лайло ТУРСУНОВА,
Яккасарой туманидаги ДНИ нотариуслари

Хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда? Шу тўғрида тушунтириш берсангиз.

Ж.Юсупов, М.Улуғбек тумани

2017 йил 18 апрелда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва раёбатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармонга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва раёбатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва раёбатни ривожлантириш давлат қўмитаси сифатида қайта ташкил этилиб, унинг зиммасига хусусийлаштирилган корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш ва самарадорлигини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳоли даромадларининг барқарор ўсишини таъминлайдиган янги иш ўринларини яратиш, ушбу мақсадларда ваколатли давлат органлари, молия ҳамда бошқа бозор тузилмаларининг Савдо-сановат палатаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан мустаҳкам ҳамкорликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси юклатилди. Ушбу қайта ташкил этилган қўмитанинг устувор вазифаси этиб хусусийлаштирилган корхоналар фаолияти молиявий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларини солиқ, иқтисодий ва статистика органлари билан биргаликда доимий асосда таҳлил қилиб бориш, бунинг асосида фаолият кўрсатмаётган, паст рентабелли ва зарар қўриб ишлаётган корхоналарни, бўш ётган ва самарасиз фойдаланилаётган объектлар ҳамда ер участкаларини аниқлаш; янги иш жойларини яратиш, ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш ва модернизациялаш ҳамда раёбатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш каби бир қатор масалалар белгиланди.

Санам АЗИМОВА,
Умидо БОЗОРОВА,
Шайхонтоҳур туманидаги ДНИ нотариуслари

ТАЪТИЛ МАЗМУНЛИ ЎТМОҚДА

Сергели туманидаги 121-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида "Ёз — ўтмоқда соз" деб номланган маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.



Ёз фаслини болажонлардан яхши кўрадиган, интиқлик ва интизорлик билан кўтадигани бўлмаса керак. Чунки, бу паллада болажонлар навбатдаги ўқув мавсумини яқунлаб, ёз ойларини мазмунли ўтказиш учун жонажон оромгоҳлари сари отланадилар.

Жорий йилда ҳам шахримизнинг кўплаб ўқувчи-ёшлари пойтахт вилоятининг тоғли худудларидаги оромгоҳларда дам олмақдалар. Шунингдек, пойтахтимиз туманларидаги қатор умумтаълим мактаблари қошида ёзги болалар дам олиш оромгоҳлари ҳам ташкил этилган.

Хусусан, Сергели туманидаги 7, 8, 285, 268, 300-сонли умумтаълим мактаблари қошида болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш мавсумини сифатли ташкил этиш, ёзги таътил давомида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳамда уларда Ватанга бўлган муҳаббат ҳиссини ошириш, миллий қадрият ва урф-одатларимизга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида кундузги оромгоҳлар ташкил этилди.

Оромгоҳларда болажонларни дам олдириш тўрт мавсумга бўлинган бўлиб, ҳар бир мавсумда 120 нафардан болажонларни қамраб олиш режалаштирилган, — дейди Сергели тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилором Раҳимжонова. — Умуман ёз фасли давомида 2390 нафар ўқувчиларнинг мароқли дам олишлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Мактаблар қошида ташкил этилган кундузги оромгоҳларда болаларнинг ёзги таътил давомида бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида ҳар бир оромгоҳда фан, спорт ва уларнинг қизиқишларига кўра тўғарақлар ташкил этилган.

Тумандаги оромгоҳларро спортнинг мини-футбол, шахмат-шашка, стол теннис, баскетбол, волейбол каби турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди. Туман босқичида ғолибликни кўлга киритган ўқувчи-ёшлар "Ёз-2017" спорт мусобақасининг Тошкент шаҳар босқичида иштирок этиб, мини-футбол ҳамда шахмат бўйича биринчи, шашка бўйи-

ча фахрли учинчи ўринларни эгалладилар.

Сергели тумани ҳокимлиги ташаббуси билан туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда мусобақаларда ғолиб ва совриндор бўлган ёшлар тақдирланди. Уларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Оромгоҳдаги тўғарақлар, машғулотлар ва турли тадбирлар менга жуда ёқаяпти, — дейди 8-умумтаълим мактаби ўқувчиси Жавлон Маликов. — Сира зерикмаямиз. Мини-футбол, стол теннис ва бошқа спорт тўғарақларида фаол иштирок этамиз. Мини-футбол бўйича шаҳар босқичида фахрли ўринни эгалладик. Дўстларим билан таътилни бирга ўтказаятганимдан жуда хурсандман.

Абдуалим САЛИМОВ

Спорт янгиликлари

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасидаги мамлакат XXVI чемпионатининг иккинчи даврасида "Пахтакор" рақибларига ҳар бир ўйинда жиддий муаммо туғдириши мумкин.

"ПАХТАКОР" ЖИДДИЙ ЎЗГАРИШЛАР АРАФАСИДА

Гап шундаки, клуб раҳбарияти ёзги таътил даврида таркибини олий лиганинг энг маҳоратли футболчилари ҳисобига қўйиштириши мақсад қилган. Чунинчи, "Насаф" аъзолари Элдорбек Сунонов, Фаррух Сайфиев, Азиз Ганиев, Эроннинг "Машинасо-

зи" жамоаси футболчиси Азиз Ибрагимов иккинчи даврада ўз фаолиятини "Пахтакор"да давом эттириши мумкин.

Шунингдек, "Пахтакор"да фаолиятини бошлайдиган грузиялик мутахассис Шота Арвеладзе бош мураб-

бий сифатида мамлакатимиздаги бир неча маҳоратли футболчиларни йиғинда синаб кўриши, жорий мавсумда ижарада ўйнаётган клуб аъзоларини ортга қайтариши режалаштирган.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида самбо бўйича катталар, ёшлар, ўсмирлар ва хотин-қизлар ўртасидаги Осиё очик чемпионатида йиғирмадан зияд давлатдан беш юзга яқин спортчи самбо ва жанговар самбо бўйича ғолиблик учун курашди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ

Чемпионатда спортчиларимиздан Парвиз Халимов, Фирдавс Хожиматов, Улугбек Раҳмонов, Толмас Тўқлиев, Зафар Оллоберганов, Санжар Немазов, Мирношхон Султонов, Нурмуҳаммад Бегалиев, Тўрабек Исмоилов, Гулмира Исмаилова, Клара Дармонбоева, Жасурбек Махмудов, Нилуфар Раҳмонова, Мушарраф Ибодуллоева, Сум-

гул Рўзимбоева олтин медални кўлга киритди.

Ойбек Усмонов, Малика Қаҳҳорова, Комила Нурова, Гулчехра Маманова, Маликабону Мирзаева, Хамид Олимова, Мафтуна Эргашева, Рината Илматова қумуш медаль билан тақдирланди.

Терма жамоамиз аъзоларидан Улуг-

бек Ҳакимов, Аҳмаджон Исмолов, Алим Мирзазоқулов, Зоир Самиков, Раҳматжон Аҳмедов, Нуриддин Тилаовдилов, Ақобир Хасанов, Шаҳзод Ибрагимов, Дилором Зикриллаева, Шаҳзода Валиева, Мафтуна Эсонова шохсупанинг учинчи погонасидан жой эгаллади.

**Ж.ТОШХУҲАЕВ,
ЎЗА мухбири**



Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Олмазор ўқув спорт техника клуби томонидан уюштирилган корд авиамодел спорт тури бўйича Тошкент шаҳар очик биринчилиги бўлиб ўтди.

АВИАМОДЕЛЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

Мазкур турнир ўғил-қизлар ўртасида спортнинг техник ва амалий турларини кенг тарғиб қилиш ҳамда ривожлантириш мақсадида ўтказилди.

Мусобақа корд авиамодел спорт турининг "F-2-B" ва "F-4-B" йўналишлари бўйича уюштирилган бўлиб, унда пойтахтимизнинг Олмазор, Мирзо Улугбек, Яксарой, Чилонзор туманларининг ўқув спорт техника клублари ҳамда "Баркамол авлод" болалар марказларидан ташриф буюрган қатнашчилар иштирок этишди.

Кескин ва мurosасиз тарзда кечган мусобақалар натижаларига кўра, умумжамоа ҳисобида 1-ўринга "Олмазор ўқув спорт техника клуби" сазовор бўлган бўлса, 2-ўринни "Мирзо Улугбек ўқув спорт техника клуби" ва 3-ўрин Олмазор туман "Баркамол авлод" болалар марказининг корд авиамоделчиларига насиб этди.

**Бахтиёр ЖЎРАЕВ
К. Ўлмасов олган сурат**

ЎЗБЕК БОКСЧИЛАРИ ҒОЛИБ

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида давом этаётган ёшлар ўртасидаги бокс бўйича Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз дастлабки жангларини ғалаба билан якунлашди.

Ўсмирлар ва ёшлар ўртасида Осиё чемпиони Билалбек Мирзахошимов Жун Велван Танга қарши ўтказилган учрашувни йирик 5:0 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди.

Ўзбекистон кубогига ғолиби — Зоиржон Жуманаров эса суриялик Адиб Хабра билан куч синашиб, рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади ва йирик ҳисобда ғалабага эришди.

Осиё чемпионати давом этмоқда.

Ботир ХЎЖАЕВ

Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар

1. "Тошиссиқуввати" ИЧБ маълум қиладики, энергия ташувчи мухит ва ашёларнинг нархлари ошиб кетгани боис, 2017 йил 21 июлдан бошлаб корхона ва ташкилотлар учун иссиқлик энергиясининг улгуржи тарифи ҚҚСсиз 68700,00 сўм/Гкал микдоридан ва ҚҚС билан 82440,00 сўм/Гкал микдоридан белгиланди.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ АХОЛИСИ
ДИҚҚАТГА!**

2. "Тошиссиқуввати" ИЧБ УК Тошкент шаҳар аҳолиси эътиборига шунинг маълум қиладики, энергия ташувчи мухит ва ашёларнинг нархлари ошиб кетгани боис, 2017 йил 21 июлдан бошлаб марказлашган иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти учун

**ТОШКЕНТ ШАҲАР КОРХОНАЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАРИ, РАҚБАРЛАРИ
ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ АХОЛИСИ ДИҚҚАТГА!**

қуйидаги ойлик тарифлар белгиланади: марказий иситиш — 1323,86 сўм/м²/таъминий(календарь) йил ойи (иситиш майдони);

иссиқ сув таъминоти:
- ҳисобга олувчи асбоблар бўлмаган тақдирда — 1292,52 сўм/киши/ой;
- умумий қўмилиш хонасига эга ётоқхоналар учун — 11376,16 сўм/киши/ой;
- ҳисобга олувчи асбоблар бўлган тақдирда — 3915,9 сўм/м³ 1 м³ истеъмол қилинган иссиқ сув учун.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 ноябрдаги "Рес-

публика иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти ташкилотларини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 300-сонли қарорининг 10-бандига мувофиқ, эслатиб ўтаемиз:

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН:

Иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбоблари бўлмаган юридик шахсларга иссиқлик энергиясини етказиб бериш, иссиқлик энергияси учун белгиланган тарифнинг икки баробар микдори қўлланилиб, амалга оширилади. (Қўп хонадонли уйларда жойлашган юридик шахслар бундан истисно).

АХОЛИ УЧУН:

Рўйхатда турувчи фуқаролари бўлмаган ва иссиқ сувини ҳисобга олиш асбоблари ўрнатилмаган тураржой хоналарида иссиқ сув таъминоти хизматлари учун ҳисоб-ки-тоблар, истеъмол қилиш меъёрлари бўйича, иссиқ сув таъминоти хизматларига қўйилган тарифларнинг 1,5 га оширилган коэффициентини қўллаган ҳолда қуйидагича ҳисобланади:
бир хонали ва икки хонали хонадонларда — бир киши учун;
уч хонали хонадонларда — икки киши учун;
тўрт хонали хонадонларда — уч киши учун;
беш хонали хонадонларда — тўрт киши учун.

Реклама ва эълонлар

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тизимидаги Тошкент архитектура қурилиш касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ:

Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосарига малака талаблари: олий маълумот, педагогик соҳа бўйича иш стажы 5 йилдан, малакавий даражаси — катта ўқитувчи лавозимидан кам бўлмаслиги талаб этилади.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- 1.Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;
- 2.Сўрновма (объективка);
- 3.Таржимаи ҳол;
- 4.Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
- 5.Меҳнат дафтарчаси (нусхаси тасдиқланган шаклда);
- 6.3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
- 7.Паспорт (нусхаси);
- 8.Илмий даража ва илмий унвон (мавжуд бўлса);
- 9.Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).

Мурожаат учун манзил: Тошкент ш. Миробод тумани, Янги Замон 3-тор кўчаси, 1-уй. Тел: 291-26-47.

Тошкент шаҳар Миробод тумани Кўмас мўлқ ва ер тузиш кадастри корхонаси томонидан 2017 йил 15 мартда Қорабоева Феруза Мирахатовна номига Миробод тумани, Мунис кўчаси, 4-уй учун берилган бино ва иншоотга — TS 023608, ер участкасига — TS 0056538-сонли гувоҳномалар йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги 5-сонли академик лицейи томонидан 2017 йилда Нуралиева Фотима Хусниддин қизи номига берилган L № 289106-сонли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент давлат иқтисодий университети томонидан 1992 йилда Одилов Шохайитжон Шакадирович номига берилган ЦВ № 987691-сонли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

2017 йил 14 июль соат 9.00 да Олмазор тумани кўп тармоқли поликлиникаси қошида "Бўш иш ўринлари" ярмаркаси бўлиб ўтди. Ишга жойлаштириш ҳоҳловчи УАШ, (умумий амалиёт шифокор)ларини ишга таъмин қилиш

Телефонлар: 248-86-11, 248-86-28.

ДУК "СУВСОЗ"

Энергоресурсларнинг нархи ошганлиги сабабли, 2017 йил 21 июлдан Тошкент шаҳар аҳолиси учун ичимлик суви ва оқова сувлар тарифларининг қайта кiritилишини хабар қилади:

Сув таъминоти бўйича — 1 м³ учун 190 сўм 00 тийин, ҚҚСсиз.
Оқова сув бўйича — 1 м³ учун 155 сўм 00 тийин, ҚҚСсиз.

ДУК "СУВСОЗ"

"ТОШКЕНТ СУВ ТАЪМИНОТИ" ШК

Электрэнергияси нархининг ошганлигини инобатга олиб, 2017 йил 21 июлдан тижорат ва саноат корхоналари учун тарифларнинг қайта кiritилишини хабар қилади:

сув таъминоти бўйича — 1 м³ учун 435 сўм, ҚҚСсиз
оқова сув бўйича — 1 м³ учун 260 сўм, ҚҚСсиз



27. кундузи — 40-42 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 7 июлда Тошкент шаҳ-

Тошкент шаҳрида 7 июль кунини ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсаяди. Ҳарорат кечаси — 25-

рининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95.
Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақияланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.ru
Буюртма Г-735

Душанба, сешанба, chorshanba,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
5233 нусхада босилди.
Қорғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бosh муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 13.40